

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ

Одилжон Сулайманов

**ФУҚАРОЛИК ВА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ
ЁРДАМ КҮРСАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Ўқув-услубий қўлланма



Тошкент – 2017

УЎК 341.45
ББК 67.412
Ў-89

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил 20 сентябрдаги мажлиси қарорига асосан чоп учун тавсия этилган (баённома №3).

Сулайманов О.Р. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатишнинг хуқуқий асослари / Ўқув-услубий қўлланма. Масъул муҳаррир ю.ф.н., доцент М.А.Тиллабоев. –Тошкент. ЮМОМ нашриёти. 2017.–50 б.

Масъул муҳаррир: юридик фанлар номзоди, доцент **М.А.Тиллабоев**

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi аъзоси, юридик фанлар доктори **Ш.Абдуқодиров;**
Юристлар малакасини ошириш маркази Жиноий хуқуқий фанлар кафедраси доценти **Ф.Шукров.**

Муҳаррир: **Р.С.Қосимов**

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада Юристлар малакасини ошириш марказида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ўқитиладиган ўқув курсининг асосий мавзулари ФПК, ЖПКдан олинган кўчирмалар ёрдамида ҳам ёритишган ҳаракат қилинган, шунингдек саволлар ва тест саволлари берилган.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар, шу жумладан судьялар учун ҳам мўлжалланган мазкур ўқув-услубий қўлланма амалий машғулотларни Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда юридик олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, судлар ва хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан ўқитишнинг интерфаол усулларидан самарали фойдаланган ҳолда қизиқарли ўтказишга ёрдам беради. Қўлланмадаги саволлар ҳамда тест саволлари ёрдамида ҳар бир тингловчи ўқув курси бўйича билим савияси ҳамда даражасини синаб кўради ва шу орқали ўқув курси бўйича олган билимларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

© Сулайманов О.Р., 2017 й.
© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2017 й.

Мундарижа

| | |
|--|----|
| 1. Кириш..... | 5 |
| 2. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича хуқуқий ёрдам кўрсатиши тушунчаси..... | 7 |
| 3. Ўзбекистон Республикасининг хуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномалари..... | 7 |
| 4. ФПКда халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги нормалар..... | 8 |
| 5. ЖПКда халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги нормалар..... | 10 |
| 6. Ўзаролик принципига асосан халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиши..... | 25 |
| 7. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида хуқуқий ёрдам Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қандай кўринишдаги ишларни қамраб олади?..... | 26 |
| 8. Халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиши бўйича сўров юбориши тартиби..... | 27 |
| 9. Халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиши бўйича сўровнинг мазмuni ва шаклига оид талаблар..... | 28 |
| 10. Халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиши бўйича сўровни расмийлаштириш тартиби..... | 30 |
| 11. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида ўзаролик принципи асосида сўров юборишнинг ўзига хос хусусияти..... | 30 |
| 12. Қидиувда бўлган шахс хорижий давлат ҳудудида аниқланган ҳолларда тегишли процессуал хужжатларни расмийлаштириш.... | 32 |
| 13. Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг ушлаб берган давлат розилиги олинган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши..... | 34 |
| 14. Хорижий давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлик ҳолатини ҳисобга олиш тартиби..... | 35 |
| 15. Хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган сўровни бажариш шартлари ва тартиби..... | 36 |
| 16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш..... | 38 |
| 17. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг хорижий давлат ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги борасида хуқуқни қўллаш масалалари..... | 41 |
| 18. Апостиль тушунчаси ва норматив-хуқуқий хужжатлар..... | 41 |
| 19. Қандай ҳолларда апостиль қўйилади?..... | 42 |

| | |
|--|----|
| 20. Ўзбекистон Республикасида апостиль қўювчи органлар..... | 42 |
| 21. Қандай хужжатларга апостиль қўйилмайди..... | 43 |
| 22. Апостиль қўйиш учун тақдим этиладиган хужжатлар..... | 43 |
| 23. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича халқаро-хукуқий ёрдам кўрсатиш бўйича тест саволлари..... | 44 |
| 24. Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 48 |

Кириш

Дунё мамлакатларининг барқарорлигини, тинчлигини ва тараққиётини таъминлаш фақатгина барча давлатларнинг келишган ҳолдаги, биргаликдаги ҳаракатлари орқали амалга оширилиши мумкин. Халқаро оммавий ҳуқуқ давлатларнинг умумий, яқдил сиёсатининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Чунки унда турли давлатларнинг келишилган хоҳиш-иродаси акс этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимаси ва 17-моддасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги мустаҳкамланган. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг teng ҳуқуқли субъекти ҳисобланади, бу хусусан ҳам икки томонлама, ҳам халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама халқаро шартномаларнинг имзоланиши ва ҳамкорликнинг ривожланишида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси - республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларига доир teng ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувиdir¹. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат ташкилотлари ва муассасалари шартнома бўйича Ўзбекистон томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ташкилотлар ва муассасалар ходимларидан мамлакатимиз иштирок этадиган халқаро шартномаларнинг мазмун-моҳияти билан мунтазам равишда танишиб бориш, уларни чуқур ўрганиш ва амалиётда самарали қўллашни талаб қиласди.

Амалиётчи судьялар, суд ходимлари, судьяликка номзодлар, адлия ходимлари, хусусан нотариуслар, ФХДЁ ходимлари, давлат ижрочилари, шунингдек адвокатлар ва юрисконсультлар ўзларининг амалий фаолиятларида халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида халқаро ҳамкорликнинг айrim масалаларига тўқнаш келадилар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 2012 йил 25 майдаги 6-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда чет давлат судининг топшириғини ижро этиш тўғрисидаги ишларнинг хўжалик судлари томонидан кўрилишида қонун ҳужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳакида”ги 2013 йил 24 майдаги 248-сонли қарорлари муҳим ҳужжатлардан ҳисобланади.

¹ “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. №12, – 262-модда.

Ушбу ҳужжатларда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик давлатлар томонидан мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишида ифодаланади.

Давлатлараро муносабатларда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш деганда, бир давлатнинг ваколатли органи томонидан бошқа (хорижий) давлатнинг шундай органи топшириғи бўйича айrim процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа ҳаракатлар бажарилиши тушунилади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик суд, прокурор, терговчи ва суриштирув органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларига асосан амалга оширилиши белгилаб берилган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қўшилган универсал, минтақавий ва икки томонлама халқаро шартномалари мазмuni ҳамда соҳага оид миллий қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ҳақидаги фикрлар жамланган бўлиб, унда хусусан қўйидаги соҳалар қамраб олинган:

- Фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- Оилавий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- Экстрадиция масалалари;
- Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги масалалар;
- Апостиль ва легаллаштириш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 майдаги 6-сон қарори 17-бандида жумладан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказига судьялар ва суд ходимлари учун ўқув жараёнини ташкил этишда, судлар фаолиятида халқаро ҳамкорлик масалаларини тартиба солувчи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллашга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ асосий тушунчалар, мавзуга оид саволлар, тест саволлари, тавсия этиладиган адабиётлар келтирилган.

1. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича хуқуқий ёрдам кўрсатиши тушунчаси

Давлатларапо муносабатларда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича хуқуқий ёрдам кўрсатиши деганда, бир давлатнинг ваколатли органи томонидан бошқа (хорижий) давлатнинг шундай органи топшириғи бўйича айrim процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа ҳаракатларни бажарилиши тушунилади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик давлатлар томонидан мазкур тоифадаги ишлар бўйича хуқуқий ёрдам кўрсатишида ифодаланади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик суд, прокурор, терговчи ва суриштирув органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг хуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларига асосан амалга оширилади.

Cаволлар

1. Давлатларапо муносабатларда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича хуқуқий ёрдам кўрсатиши деганда нимани тушунасиз?

2. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қайси органлар орқали амалга оширилади?

2. Ўзбекистон Республикасининг хуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномалари

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ халқаро шартномалар шартнома, келишув, конвенция, протокол, меморандум, декларация ва ҳ.к. шаклларда тузилиши мумкин.

Хуқуқий ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги нормалар мазкур масалага доир маҳсус халқаро шартномалардан ташқари, бошқа - икки томонлама ёки кўп томонлама халқаро шартномалар (масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги 1999 йил 9 декабрдаги, Трансмиллий ташкилий жиноятчиликка қарши 2000 йил 15 ноябрдаги, Коррупцияга қарши 2003 йил 31 октябрдаги конвенциялари ва бошқаларда) таркибида ҳам бўлиши мумкин. Бунда хуқуқий ёрдам тўғрисида сўров юбориш ва ижро этишнинг зарур шарти шуки, ҳамкорликка киришаётган давлатлардан ҳар бири кўп томонлама шартнома иштирокчиси бўлиши керак.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг амал қилиб турган халқаро шартномаларига, шунингдек процессуал қонунчилик

нормаларига, жумладан, ФПК, ЖПК тегишли нормаларига асосан амалга оширилади.

Халқаро шартномани қўллаш масаласини ҳал этишда, қонунга қўра, («Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси) халқаро шартнома шартноманинг ўзида назарда тутилган ёки аҳдлашувчи томонлар ўртасида келишилган тартибда ва муддатларда кучга киришига доир қоидадан келиб чиқиш керак.

C аволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларини таснифлаб бера оласизми?
2. Халқаро шартномаларни Ўзбекистонда қўллашга оид муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон миллий қонунчилигини таснифлашни биласизми?

3. ФПКда халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги нормалар

3-модда. Халқаро шартномалар

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик суд ишларини юритши тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

12-модда. Ишларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиши

Суд ишларни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида ҳал қилиши шарт. Суд, агар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига зид бўлмаса, бошқа норматив ҳужжатларни ҳам қўлланади.

Суд қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатнинг ҳуқуқ нормаларини ҳам қўллайди.

Низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаши муносабатларни тартибга соладиган қонунни татбиқ этади, борди-ю, бундай қонун ҳам бўлмаса, республика қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва маъносига таянади.

390-модда. Чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиши ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судларига топшириқ билан мурожсаат қилиши

Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни (чақирав қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни топшириши, тарафлар ва гувоҳларни сўроқ қилиши, экспертиза ўтказиши, жойга бориб кўриши ва бошқалар) бажарии тўғрисида белгиланган тартибда берган топшириқларини ижро қиласидар. Бундан қўйидағи ҳоллар истиснодир:

1) топшириқни ижро этиши Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиши суднинг ҳуқук доирасига кирмаса.

Чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисида топшириқ билан мурожсаат қилишилари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судлари билан алоқада бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланади.

Саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидлари қўлланилади, деган нормани шарҳлаш маъносида нималар дея оласиз?

2. Қайси ҳолларда Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида белгиланган тартибда берган топшириқларини ижро қиласидар?

3. Ўзбекистонда чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлари қайси давлат қонун ҳужжатлари асосида ижро этилади?

4. Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судлари билан алоқада бўлиш тартиби қайси норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган?

4. ЖПКда халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги нормалар

3-модда. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вакт ва ҳудуд бўйича амал қилиши

Жиноят ишларини юритиши, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иши юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

4-модда. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ажнабий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши

Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жинояtlар тўғрисидаги ишларни юритиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексга мувофиқ олиб борилади.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади.

592-модда. Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажарии тўғрисида сўров юбориши

Ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажарии зарур бўлганда суд, прокурор, терговчи, суриштирув органи мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғрисида сўров киритади.

Ўзаролик принципи сўров киритилаётганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг айрим процессуал ҳаракатларни бажарилиша хорижий давлатнинг ваколатли органига хуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ёзма мажбурияти билан тасдиқланади.

Процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўров:

умумий юрисдикция судлари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини юритиши билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;

суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талааб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати орқали;

қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали юборилади.

*Зарур ҳолларда, ушибу модданинг **учинчи қисмида** кўрсатилган органлар Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги орқали хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан алоқа боғлайди.*

593-модда. Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажарии тўғрисидаги сўровнинг мазмуни ва шакли

Процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўровда қўйидағилар бўлиши керак:

- 1) сўров юбораётган органнинг номи;
- 2) сўров юборилаётган органнинг номи ва жойлашган ери;
- 3) жиноят ишининг номланиши ва сўровнинг хусусияти;
- 4) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан унинг түгилган санаси ва жойи, фуқаролиги, машгулоти тури, яшаи жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар, унинг процессуал мақоми, юридик шахс учун эса унинг номи, юридик манзили ва жойлашган ери;
- 5) аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар баёни, шунингдек сўралаётган ҳужжатлар, ашёвий ва боиқа далиллар рўйхати;
- 6) содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг тавсифи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилмиши жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддаси матни;
- 7) агар жиноят натижасида зарар етказилган бўлса, унинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўровда уни ижро этиши учун зарур бўлган боиқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўров уни юбораётган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўров ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар сўровни юбораётган органнинг гербли муҳри билан тасдиқланади ҳамда улар юборилаётган хорижий давлатнинг расмий тилига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда туттилган боиқа тилга таржима қилинади.

594-модда. Хорижий давлат ҳудудида олинган далилларнинг юридик кучи

Хорижий давлат ҳудудида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этиши давомида унинг ваколатли органлари томонидан олинган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципни асосида шахсни жиноий жавобгарликка тортиши тўғрисидаги сўровга илова қилиниб, Ўзбекистон Республикасига юборилган, белгиланган тартибда тасдиқланган ва топширилган далиллар ушибу Кодекс талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган далиллар сингари юридик кучга эга бўлади.

595-модда. Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиши

Суд, прокурор, терговчи, суришиширув органи хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган, ўзларига белгиланган тартибда топширилган процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципни асосида ижро этади.

Агар процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров келиб тушган орган уни ижро этишига ваколатли бўлмаса, у сўровни ваколатли органга юборади ва бу ҳақда сўров ташаббускорини ёзма равишда хабардор қиласди.

Бевосита судга, прокурорга, тергов органига, суришиширув органига процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида келиб тушган сўров ушибу Кодекс 592-моддасининг **учинчи қисмида** кўрсатилган тегишли органлар билан келишилган ҳолдагина ижро этилиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этишида ушибу Кодекс нормалари қўлланилади. Хорижий давлат ваколатли органининг илтимоси бўйича, агар бу Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, хорижий давлат процессуал қонун ҳужжатларининг нормалари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда туттилган ҳолларда ёки ўзаролик принципни асосида, процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этишида хорижий давлат ваколатли органининг вакиллари ушибу Кодекс 592-моддасининг **учинчи қисмида** кўрсатилган тегишли органлар рухсати билан ҳозир бўлиши мумкин.

Агар процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этиши мумкин бўлмаса, у ҳолда олинган ҳужжатлар сўровни ижро этишига тўскинлик қилган сабаблар кўрсатилиб, сўровни олган орган орқали, зарур бўлганда эса дипломатик йўллар орқали хорижий давлатнинг сўровни юборган ваколатли органига қайтариб юборилади.

Агар сўров ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки унинг ижроси ўзбекистон Республикаси суверенитетига ёхуд хавфсизлигига зарар етказилиши мумкин бўлса, у ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

596-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳни, жабрланувчини, эксперти, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни, уларнинг вакилларини чақириши

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари ўзбекистон Республикаси ҳудудида процессуал ҳаракатларни бажарии учун жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс томонидан чақирилиши мумкин.

Ушибу модданинг **биринчи қисмида** кўрсатилган шахсларни чақириши тўғрисидаги сўров ушибу Кодекснинг **592-моддасида** белгиланган тартибда юборилади. Шахсларни чақиришида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш таҳди迪 бўлмаслиги керак.

Чақирув бўйича келган, ушибу модданинг **биринчи қисмида** кўрсатилган шахслар ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтгунига қадар содир этилган қилмишлар учун ёки чиқарилган ҳукмлар асосида ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоқча олинини ёхуд шахсий эркинликнинг бошқача чекланишиларига дучор этилиши мумкин эмас. Агар чақирув бўйича келган шахс унинг ҳозир бўлиши чақирирган мансабдор шахсга бошқа керак бўлмай қолган пайтдан эътиборан ўн беш суткалик узлуксиз муддат ўтгунига қадар ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этиши имкониятига эга бўла туриб, шу ҳудудда қолишда давом этса ёки жўнаб кетганидан кейин ўзбекистон Республикасига қайтиб келса, мазкур иммунитетнинг амал қилиши тугайди.

Хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланаётган шахс, башарти бу шахс ушибу модданинг **биринчи қисмида** кўрсатилган шахсларни чақириши тўғрисидаги сўровда назарда туттилган процессуал ҳаракатлар бажарилиши учун хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча ўтказилган бўлса, ушибу моддада белгиланган тартибда чақирилади. Бундай шахс ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўладиган бутун даврида қамоқда сақланаверади. Уни қамоқда сақлашига хорижий давлат ваколатли органининг тегишили қарори асос бўлади. Мазкур шахс сўровга берилган жавобда кўрсатилган муддатларда тегишили хорижий давлат ҳудудига қайтарилиши керак.

Шахсни ўтказиши ёки ўтказишни рад этиши тартиби ва шартлари ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ёки ўзаролик принципни асосида белгиланади.

597-модда. Жиноят иши материалларини хорижий давлатнинг ваколатли органига юбориши

Чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган, кейинчалик унинг ҳудудидан чиқиб кетган ҳамда процессуал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг иштирокида бажаришининг имкони бўлмаган тақдирда, тергов қилинаётган жиноят ишининг барча материаллари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига топширилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур материалларни хорижий давлатнинг ваколатли органига тергов қилиши учун юбориши тўгрисидаги масалани ҳал қиласди.

Жиноят иши материалларига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўгрисидаги ариза, шунингдек далиллар илова қилинади. Ишдаги ҳар бир ҳужжат мазкур жиноят ишини юритаётган органнинг гербли муҳри билан тасдиқланган ва юборилаётган хорижий давлатнинг расмий тилига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бошқа тилга таржима қилинган бўлиши керак.

598-модда. Жиноий жавобгарликка тортини тўгрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиши

Хорижий давлат ваколатли органининг хорижий давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросини жиноий жавобгарликка тортини тўгрисидаги сўрови Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан кўриб чиқлади. Бундай ҳолларда жиноят ишини юритиш ушибу Кодексда белгиланган тартибда олиб борилади. Жиноят иши бўйича узил-кесил қарор қабул қилган орган қарорнинг кўчирма нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қабул қилинган қарор ҳақида хорижий давлатнинг сўровни юборган ваколатли органини ёзма равишда хабардор қиласди. Мазкур органнинг илтимосига кўра жиноят иши бўйича узил-кесил қарорнинг кўчирма нусхаси ҳам юборилиши мумкин.

599-модда. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берини тўгрисида сўров юбориши

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда ёки ўзаролик принципи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органига хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортини ёки ҳукмни ижро этиши учун ушлаб берини тўгрисида сўров юбориши мумкин.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииши тўғрисида ўзаролик принципи асосида сўров юбориши, агар сўров юборилишига сабаб бўлган қилмиши ҳар иккала давлат қонун ҳуэжжатларига мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиши бўлса ва шахс жиноий жавобгарликка тортиши учун ушлаб берилган тақдирда — уни содир этганлик учун бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши тарзидаги жазо ёки оғирроқ жазо назарда тутмилганда ёхуд шахс ҳукмни ижро этиши учун ушлаб берилган тақдирда — у олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши тарзидаги жазога ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинганида амалга оширилади.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииши тўғрисидаги сўровни юбориши зарурияти юзага келганда ҳамда бунинг учун ушибу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган асослар ва шартлар мавжуд бўлганда, барча зарур материаллар мазкур сўровни юбориши ҳақидаги масалани ҳал этиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилади.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииши тўғрисидаги сўровда қуийдагилар бўлиши керак:

1) сўров юбораётган органнинг номи;

2) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг тугилган санаси ва жойи, фуқаролиги, яшаши жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар ва унинг шахси ҳақидаги бошқа маълумотлар, шунингдек имкони борича ташқи қиёфаси тавсифи, фотосурати ва шахсни идентификация қилиши имконини берадиган бошқа материаллар;

3) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари баёни ва тавсифи, шу жумладан у томонидан етказилган зарарнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят [кодексининг](#) қилмиши жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишили моддаси матни;

4) шахсни жиноят ишида айланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилиши тўғрисидаги қарор ёхуд ҳукм чиқарилган жой ва сана тўғрисидаги, шунингдек ҳукм қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги маълумотлар.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиши учун ушлаб берииши тўғрисидаги сўровга шахсни жиноят ишида айланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилиши тўғрисидаги қарорнинг ва қамоққа олиши тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилиншии керак.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ҳукмни ижро этиши учун ушлаб берииши тўғрисидаги сўровга қонуний кучга кирган ҳукмнинг тасдиқланган кўчирма нусхаси ва жазонинг ўтамлаган муддати тўғрисидаги маълумотнома илова қилиншии керак.

600-модда. Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлиги доираси

Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун уни ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортимиши, жазоланиши, шунингдек учинчи бир давлатга топширилиши мумкин эмас. Куйидаги ҳолларда хорижий давлатнинг розилиги талаб қилинмайди, агар:

у ушлаб берган шахс жиноят иши тугатилган кундан эътиборан, ҳукм қилинган тақдирда эса жазо ўталган ёки ҳар қандай қонуний асосга кўра жазодан озод қилинган кундан эътиборан бир ой ичida Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этмаган бўлса. Ушлаб берилган шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этиши имкониятига эга бўлмаган вақт бу муддатга қўшиб ҳисобланмайди;

у ушлаб берган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этган, аммо кейин ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган бўлса.

Хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича узил-кесил қарор қабул қилган орган унинг кўчирма нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органини у томонидан ушлаб берилган шахсга нисбатан жиноят ишини юритиши натижалари ҳақида ёзма равишда хабардор қиласди. Мазкур органнинг илтимосига кўра жиноят иши бўйича узил-кесил қарорнинг кўчирма нусхаси ҳам юборилиши мумкин.

601-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииш тўғрисидаги сўровни ижро этиши

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортши ёки ҳукмни ижро этиши учун ушлаб берииш тўғрисидаги сўров Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан кўриб чиқласди.

Ўзаролик принципи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииш тўғрисидаги сўровни юборган хорижий давлат ваколатли органининг шунга ўхшаши вазиятда Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг сўровига биноан шахсни ушлаб берииш амалга оширилиши ҳақидаги ёзма ваъдаси билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииш қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

агар шахс жиноий жавобгарликка тортини учун ушлаб бериладиганида содир этилган қилмиши учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят [кодекси](#) бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши тарзидаги жазони ёки оғирроқ жазони назарда тутса;

агар ўзига нисбатан ушлаб берини тўгрисида сўров юборилган шахс олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши тарзидаги жазога ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган бўлса;

сўровни юборган хорижий давлат ўзига нисбатан сўров юборилган шахснинг фақат сўровда кўрсатилган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортимишини ҳамда суд муҳокамаси тугаганидан ва жазони ўтаганидан кейин мазкур давлат ҳудудини эркин тарк эта олишини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг розилигисиз учинчи давлатга чиқариб юборилмаслигини, топширилмаслигини ёхуд ушлаб берилмаслигини, ҳудди шунингдек қийноқларга, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги муомалага дучор этилмаслигини ва унга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслигини кафолатласа.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берини тўгрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади. Айни бир шахсни ушлаб берини тўгрисида бир неча давлатнинг сўрови мавжуд бўлганда, шахсни қайси давлатга ушлаб берини кераклиги тўгрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қабул қиласи. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қабул қилинган қарор тўгрисида ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахсни йигирма тўрт соат ичидаги ёзма равишда хабардор қиласи ва унга мазкур қарор устидан ушибу Кодекснинг [602-моддасига](#) мувофиқ шикоят қилиши ҳуқуқини тушунтиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берини тўгрисидаги қарор ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахс ёзма равишда хабардор этилган пайтдан эътиборан ўн сутка ўтиши билан кучга киради. Қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинган тақдирда, шахсни ушлаб берини суднинг ажрими қонуний кучга киргунига қадар амалга оширилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берини тўгрисидаги қарор устидан шикоят қилиши муддати ўтгач ёки суднинг ажрими қонуний кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қабул қилинган қарорни, суднинг ажримини ижро этиши учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборади.

602-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берини тўгрисидаги қарор устидан шикоят қилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб

бериши тўғрисидаги қарори устидан сўралаётган шахс қамоқда сақланаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича Қорақалпогистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судларига мазкур шахс ёхуд унинг ҳимоячиси томонидан хабарнома олинган пайтдан эътиборан ўн сутка ичида шикоят қилиниши мумкин.

Сўралаётган шахс қамоқда сақланаётган жойнинг маъмурияти шикоятни олиши билан уни дарҳол судга юборади ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хабарнома олинган кундан эътиборан уч суткадан кечиктирмай судга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериши тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини тасдиқловчи материалларни юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериши тўғрисидаги қарори устидан берилган шикоятни кўриб чиқши шикоят суд томонидан олинган кундан эътиборан ўн сутка ичида уч нафар судьядан иборат таркибда, очиқ суд мажслисида прокурор, ўзига нисбатан ушлаб бериши тўғрисидаги қарор қабул қилинган шахс ва, агар ишида иштирок этаётган бўлса, унинг ҳимоячиси иштирокида амалга оширилади.

Суд мажслиси бошланишида раислик қилувчи қайси шикоят кўриб чиқилишини эълон қиласди, ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг ҳукуқлари ва мажбурияtlарини тушунтиради. Аризачи ва (ёки) унинг ҳимоячиси шикоятни асослаб беради, шундан сўнг сўз прокурорга берилади.

Суд муҳокамаси давомида суд шикоят берган шахснинг айблилиги масаласини муҳокама қилмай, устидан шикоят берилган қарорнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқлигини текшириши билан чекланади.

Шикоятни кўриб чиқши натижасида суд қуийдаги ажримлардан бирини чиқараади:

шикоятни қаноатлантишишиз қолдириши тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериши тўғрисидаги қарорни бекор қилиши ҳақида.

Суднинг ажрими апелляция шикояти бериши ёки протести билдириши муддати тугаши билан қонуний кучга киради.

Суднинг ажрими ўқиб эшиштирилганидан кейин дарҳол прокурорга, шунингдек ўзига нисбатан ушлаб бериши тўғрисида қарор қабул қилинган шахсга ва, агар ишида иштирок этган бўлса, унинг ҳимоячисига юборилади.

Суднинг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Апелляция шикояти ёки протести ажримни чиқарган суд орқали берилиб, суд уни материаллар билан биргаликда уч сутка ичида Ўзбекистон

Республикаси Олий судига юбориши ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Апелляция шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўриб чиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди апелляция шикоятини ёки протестини кўриб чиқиб, қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

суд ажримини ўзгаришисиз, апелляция шикоятини ёки протестини эса қаноатлантиришисиз қолдириши тўғрисида;

суднинг ажримини бекор қилиши тўғрисида.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими у ўқиб эшииттирилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради ва дарҳол ижро этилиши керак. Апелляция инстанцияси судининг ажрими прокурорга ижрони ташкил этиши учун, ўзига нисбатан ушлаб бериши тўғрисидаги қарор қабул қилинган шахсга ва, агар ишида иштирок этган бўлса, унинг ҳимоячисига маълумот учун юборилади.

603-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришни рад этиши

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди, агар:

ўзига нисбатан сўров келиб тушган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса;

сўров юборилишига сабаб бўлган жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки Ўзбекистон Республикаси манфаатларига қарши унинг ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса;

сўralаётган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айни ўша қилмиш учун қонуний кучга кирган ҳукм ёки суднинг ажрими (қарори) ёхуд ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзгатишни рад этиши ҳақидаги ёки уни тугатиши тўғрисидаги бекор қилинмаган қарори мавжуд бўлса;

сўров юборилишига асос бўлган қилмиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра жиноят бўлмаса;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят иши қўзгатиш мумкин бўлмаса ёки тугатилиши лозим бўлса ёхуд муддати ўтиб кетганлиги туфайли ёки бошқа қонуний асосга кўра ҳукмни ижро этиши мумкин бўлмаса;

сўralаётган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасида айни ўша қилмиш учун жиноят иши қўзгатилган бўлса;

ўзига нисбатан сўров келиб тушган шахсга уни сўraётган давлатда ирқи, диний эътиқоди, фуқаролиги, миллати, муайян ижстимоий гуруҳга

мансублиги ёки сиёсий эътиқодига кўра таъқиб этилиши мумкинлиги сабабли Ўзбекистон Республикасида бошпана берилган бўлса.

Сўralaётган шахсга нисбатан унинг йўқлигига чиқарилган ҳукмни ижро этиши учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииш, агар ҳукм қилинган шахс ўзининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлаш учун етарлича имкониятга эга бўлмаган деб ҳисоблашига асослар бўлса, рад этилиши мумкин. Агар сўровни юборган хорижий давлат ҳукм қилинган шахсга унинг иштирокида тақрорий суд муҳокамаси ўтказилишига бўлган ҳуқуқни кафолатласа, ушлаб берииш амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииш амалга оширилмаса, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органини рад этиши асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қиласди.

604-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииши кечиктириши ва вақтинча ушлаб берииш

Ўзига нисбатан ушлаб берииш тўғрисида сўров келиб тушиган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилаётган ёки жазони ўтаётган бўлса, уни ушлаб берииш жиноят иши тугатилгунига, ҳукм ижро этилгунига ёки ҳар қандай қонуний асосга кўра жазодан озод қилингунига қадар кечиктирилиши мумкин.

Агар жазони ўтаётган шахсни ушлаб берииши кечиктириши жиноий жавобгарликка тортиши муддати ўтиб кетишига сабаб бўлиши ёки жиноятни тергов қилишига зарар етказиши мумкин бўлса, сўralaётган шахс, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари томонидан белгиланган шартларга риоя этиши мажбурияти мавжуд бўлган тақдирда, вақтинча ушлаб берилиши мумкин.

Вақтинча ушлаб берилган шахс жиноят иши бўйича қайси процессуал ҳаракатлар бажарилиши учун ушлаб берилган бўлса, ўша процессуал ҳаракатлар бажарилганидан кейин, бироқ шахс топширилган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай қайтариб берилиши керак. Ҳар иккала давлат ваколатли органларининг ўзаро аҳдлашувига кўра бу муддат шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят учун ҳукм қилинган ёки қонунга мувофиқ ҳукм қилинши мумкин бўлган жазо муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

605-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииш учун ушлаб туриши ва қамоқقا олиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииш тўғрисида хорижий давлатнинг ваколатли органидан тегишили тарзда расмийлаштирилган сўров олинганда ва мазкур шахсни ушлаб берииш учун

қонунда назарда тутылган асослар мавжуд бўлганда, ушибу шахс ушлаб турилиши ва унга нисбатан қамоққа олии тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.

Хорижий давлат ваколатли органининг илтимосномасига биноан шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўров олингунига қадар ҳам ушлаб турилиши мумкин. Илтимосномада қамоққа олии тўғрисидаги қарорга ёки қонуний кучга кирган ҳукмга ҳавола ва мазкур сўров қўшимча равишда тақдим этилиши кўрсатилиши керак. Шахсни қамоққа олии тўғрисидаги илтимоснома ушибу сўров юборилгунига қадар почта, телеграф, телекс, факс ёки бошқа алоқа воситалари орқали етказилиши мумкин.

Шахс, агар у бошқа давлат ҳудудида уни ушлаб беришга сабаб бўладиган жиноят содир этган деб гумон қилиш учун қонунда назарда тутылган асослар мавжуд бўлса, ушибу модданинг *иккинчи қисмида* кўрсатилган илтимосномасиз ҳам етмииш икки соатгача ушлаб турилиши мумкин.

Шахс ушланганидан кейин ички ишлар органларининг ёки бошқа сурештирув органларининг ходимлари олинган материалларни прокурорга тақдим этади, у материалларни ўрганиб чиқади ва ушлаб турилган шахснинг қидиругв эълон қилинган шахс эканлиги тўғрисида етарли асослар мавжуд бўлган, шунингдек ушибу Кодекснинг *603-моддасида* баён қилинган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, қамоққа олии тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни судга юборади.

Прокурорнинг қамоққа олии тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома киритиши, унинг судья томонидан кўриб чиқилиши, ажрим чиқарилиши, шунингдек судьянинг ажрими устидан шикоят бериш ёки протест билдириши ушибу Кодекснинг *241* ва *243-моддаларида* назарда тутылган тартибда амалга оширилади. Шахс қамоққа олинганилиги тўғрисида прокурор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни қамоққа олии ҳақида илтимоснома ёки ушлаб бериш тўғрисида сўров юборган ёхуд юбориши мумкин бўлган хорижий давлатнинг ваколатли органини дарҳол ёзма равишда хабардор қиласи.

Ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисидаги масала кўрилаётган шахсни қамоқда сақлаб туриши муддати кўти билан уч ойни ташкил этади. Мазкур муддат ушлаб бериладиган шахснинг топширилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек хорижий давлатнинг ваколатли органидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўров юзасидан қўшимча маълумотлар талаб қилинган ҳолларда ушибу Кодекснинг *245-моддаси* *иккинчи қисмида* ва *247-моддасида* назарда тутылган тартибда узайтирилиши мумкин.

Қамоққа олии тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ёки қамоқда сақлаб туриши муддатини узайтириши тўғрисидаги илтимосномани

кўриб чиқшида суд тақдим этилган материаларнинг асослиигини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари талабларига риоя этилганлигини ҳисобга олади.

606-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахсни озод қилиш

Ушлаб беришни таъминлаш учун ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс прокурорнинг қарори асосида дарҳол озод қилиниши керак, агар:

ушибу Кодекс 605-моддасининг *учинчи қисмига* мувофиқ ушлаб турилган шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги илтимоснома у ушланган пайтдан эътиборан уч сутка ичida келиб тушмаган бўлса;

хорижий давлат ваколатли органининг уни озод қилиши зарурлиги тўғрисидаги хабарномаси келиб тушган бўлса;

қамоққа олинган шахсни ушлаб берииш тўғрисидаги сўров ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан қирқ сутка ичida тақдим этилмаган бўлса;

хорижий давлатнинг ваколатли органидан қамоққа олинган шахсни ушлаб берииш тўғрисидаги сўровга қўшимча равишида сўралган маълумотлар бир ой ичida, хорижий давлат ваколатли органининг илтимоси келиб тушган тақдирда эса икки ой ичida келиб тушмаган бўлса;

унга нисбатан қамоққа олиш тарзидағи эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириши суд томонидан рад этилган бўлса;

уни ушлаб беришни рад этиши тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса;

уни ушлаб берииш тўғрисидаги қарор суд томонидан бекор қилинган бўлса;

ўзига нисбатан ушлаб берииш тўғрисида қарор қабул қилинган шахс уни топшириши учун белгиланган кундан эътиборан ўн беш сутка ичida хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан қабул қилиб олинмаган бўлса, агар бундай топшириши санаси кўчирилмаган бўлса.

Прокурор қабул қилинган қарор ҳақида қамоққа олиш тўғрисида ажрим чиқарган судни ёзма равишида хабардор қиласди.

*Шахсни ушлаб берииш мақсадида тақроран ушлаб туриши ва қамоққа олишига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииш тўғрисида янги сўров олинганидан кейин йўл қўйилади, ушибу модда биринчи қисмининг *еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида* назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.*

607-модда. Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган ушлаб бериладиган шахсни топшириши

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушлаб бериладиган шахсни топшириши жойи, санаси ва вақти ҳақида хорижий давлатнинг ваколатли органини ёзма равишда хабардор қиласди. Агар мазкур шахс топшириши учун белгиланган кундан эътиборан ўн беш сутка ичида қабул қилиб олинмаса, у қамоқдан озод қилинади.

Хорижий давлатнинг ваколатли органи ушлаб берилиши лозим бўлган шахсни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли қабул қилиб олиши мумкин бўлмай қолган ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қилган тақдирда, топшириши санаси кўчирилиши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ушлаб берилиши лозим бўлган шахсни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли топшириши мумкин бўлмай қолса, топшириши санаси ўша тартибда кўчирилиши мумкин.

608-модда. Ушлаб берилган шахсни транзит тарзида ўтказиши

Хорижий давлат ваколатли органининг учинчи давлат томонидан мазкур органга ушлаб берилган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиши тўғрисидаги илтимосномаси ушибу Кодекснинг [601](#) ва [603-моддалари](#) талабларига риоя этилган ҳолда кўриб чиқлади.

609-модда. Ашёларни топшириши

Шахсни хорижий давлатнинг ваколатли органига ушлаб беришда жиноят қуроли бўлган ашёлар, шунингдек жиноят изларини ўзида акс эттирган ёки жиноий йўл билан топилган ашёлар топширилади. Бу ашёлар шахсни ушлаб бериши унинг вафот этганлиги ёки бошқа сабаблар туфайли амалга оширилиши мумкин бўлмай қолган тақдирда ҳам мазкур органнинг илтимосига биноан топширилади.

Ушибу модданинг [биринчи қисмида](#) кўрсатилган ашёларни топшириши, агар мазкур ашёлар бошқа жиноят ишини юритиши учун зарур бўлса, вақтинча кечиктириб турилиши мумкин.

Учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун ушибу модданинг [биринчи қисмида](#) кўрсатилган ашёларни топшириши хорижий давлат ваколатли органининг жиноят ишини юритиши тамомланиши билан ашёларни қайтариши тўғрисидаги кафолатлари мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Cаволлар

1. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вақт ва худуд бўйича амал қилишини тушунтириб бера оласизми?
2. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ажнабий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилишини тушунтириб бера оласизми?
3. Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисида сўров қайси органлар орқали юборилиши мумкин?
4. Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисидаги сўровнинг мазмуни ва шакл ҳақида нималарни биласизми?
5. Хорижий давлат ҳудудида олинган далилларнинг юридик кучи қандай?
6. Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қандай ижро этилади?
7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳни, жабрланувчини, экспертни, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни, уларнинг вакилларини чақириш тартиби қандай?
8. Жиноят иши материалларини хорижий давлатнинг ваколатли органига юбориш ва уни расмийлаштириш тартибичи?
9. Жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўров Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қандай ижро этилади?
10. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида сўров қандай юборилади ва унда нималр кўрсатилган бўлиши керак?
11. Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлиги доираси қандай белгиланади?
12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни ижро этиш тартибини биласизми?
13. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш тартиби қандай?
14. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришни қайси ҳолларда рад этиш мумкин?
15. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни қайси ҳолларда ушлаб беришни кечиктириш ва вақтинча ушлаб бериш мумкин?
16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш учун ушлаб туриш ва қамоқقا олиш тартиби ҳақида нималар биласиз?
17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушлаб турилган ёки қамоқقا олинган шахсни озод қилиш тартиби қандай?
18. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ушлаб бериладиган шахсни топшириш тартиби ҳақида нималар биласиз?
19. Ушлаб берилган шахсни транзит тарзида ўтказиш тартиби ҳақидачи?
20. Хорижий давлатнинг ваколатли органига ушлаб беришда жиноят куроли бўлган ашёларни топширишнинг тартиби борми?

5. Ўзаролик принципига асосан халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиши

Ўзаролик принципи, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг бирор-бир хорижий давлат билан хуқуқий ёрдам тўғрисида халқаро шартномаси мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Бунга эҳтиёж бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи (Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати) хорижий давлат ваколатли органига хуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров киритади ва унда ўзига хорижий давлат ваколатли органининг топшириғи бўйича зарур процессуал ҳаракатларни бажариш юзасидан мажбурият олганлигини ёзма равишда тасдиқлайди.

Шуни назарда тутиш лозимки, ўзаролик принципига асосан халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиши мамлакатимизда, хусусан қўйидаги нормалар билан тартибга солинади:

а) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг «*Чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиши ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судларига топшириқ билан мурожсаат қилиши*

«Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни (чақирав қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни топшириши, тарафлар ва гувоҳларни сўроқ қилиши, экспертиза ўтказиши, жойга бориб кўриши ва бошқалар) бажарии тўғрисида белгиланган тартибда берган топшириқларини ижро қиласидар. Бундан қўйидаги ҳоллар истиснодир:

1) топшириқни ижро этиши Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиши суднинг хуқуқ доирасига кирмаса.

Чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисида топшириқ билан мурожсаат қилишилари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судлари билан алоқада бўлиши тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланади».

б) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг «Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажарии тўғрисида сўров юбориши»деб номланган 592-моддаси:

«Ушибу Кодексда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажарии зарур бўлганда суд, прокурор, терговчи, суришиширув органи мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғрисида сўров киритади.

Ўзаролик принципи сўров киритилаётганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг айрим процессуал ҳаракатларни бажаришида хорижий давлатнинг ваколатли органига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ёзма мажбурияти билан тасдиқланади.

Процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўров:

умумий юрисдикция судлари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини юритиши билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;

суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талааб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати орқали;

қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали юборилади.

Зарур ҳолларда, ушибу модданинг **учинчи қисмида** кўрсатилган органлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан алоқа боелайди».

Cавол

Қайси ҳолларда ўзаролик принципига асосан халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатилади?

6. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ҳуқуқий ёрдам Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қандай кўринишдаги ишларни қамраб олади?

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ҳуқуқий ёрдам хусусан қўйидаги кўринишларда амалга оширилади:

материалларни ҳамда банк, молиявий, юридик ва бошқа хужжатларнинг асл ва тасдиқланган нусхаларини тузиш, жўнатиш, тақдим этиш, топшириш;

тинтуб ўтказиш, предметлар ва хужжатларни олиб қўйиш, молмулкни аниқлаш ва хатлаш, шахснинг даромадини аниқлаш, ашёвий далилларни жўнатиш ва бериш;

кўздан кечириш, гувоҳлантириш;

экспертиза ўтказиш;

даъвогар, жавобгар, учинчи шахсларни (уларнинг вакилларини), жабрланувчилар, айбланувчилар (судланувчилар), гувоҳлар, эксперктларни сўроқ қилиш;

бедарак йўқолган шахсларни қидириш, шунингдек ҳукуқбузарлик содир этишда айбланаётган шахсларни қидириш ва ушлаб бериш;

жиноят ишини қўзгатиш;

суд хужжатларини, шу жумладан ҳукм нусхалари ёки суд қарорлари, судланганлик тўғрисида маълумотномалар (зарурат бўлганда тегишли қонунчилик нормалари матнини илова қилган ҳолда) тақдим этиш;

фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларини, жиноят ишлари бўйича ҳукмларнинг фуқаровий даъвога оид қисмини тан олиш ва ижро этиш.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ўзаролик принципига асосан қонунчиликка зид бўлмаган бошқа кўринишдаги ҳукуқий ёрдам ҳам кўрсатилиши мумкин.

Савол
Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ҳукуқий ёрдам қандай кўринишдаги ишларни қамраб олади?

7. Халқаро-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш бўйича сўров юбориши тартиби

Хорижий давлат ҳудудида айрим процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа ҳаракатларни бажариш зарурати туғилганда, юритуvida фуқаролик ёки жиноят иши бўлган тегишли суд, прокурор, терговчи ёки суриштирув органи хорижий давлатнинг ваколатли органига тегишлилиги бўйича қуидагилар орқали сўров киритади:

умумий юрисдикция судлари томонидан кўрилаётган ишларни юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича, шу жумладан, суд томонидан ЖПК 399-моддаси тартибida эълон қилинган қидирув натижасида турган жойи аниқланган шахсни ушлаб туриш ва бериш масалалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;

суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати орқали;

қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали.

ЖПК 399-модда. Жиноят ишини юритишни тўхтатиши

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиши чоғида айбланувчининг яширганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушибу айбланувчига нисбатан ишини юритишни тўхтатиши ва унга нисбатан қидирув эълон қилиши тўғрисида ажрим чиқаради, бундан ушибу Кодекс 410 ва 418-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Айни чоғда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириши масаласи ҳал этилади.

Айбланувчининг суд мајслисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганилиги суд-тиббий экспертиза хulosаси билан тасдиқланган тақдирда, судья айбланувчи согайгунга қадар ишини юритишни тўхтатиши тўғрисида ажрим чиқаради.

Савол

Халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича сўров қайси органлар орқали юборилади?

8. Халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича сўровнинг мазмуни ва шаклига оид талаблар

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда (ЖПК 593-моддаси) хорижий давлат ҳудудида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров мазмуни ва шаклига нисбатан муайян талаблар белгиланган. Бундай сўров, жумладан, қуйидагиларни ўзида акс эттириши керак:

- 1) сўров юбораётган органнинг номи;
- 2) сўров юборилаётган органнинг номи ва жойлашган жойи;
- 3) жиноят ишининг номланиши ва сўровнинг хусусияти;
- 4) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, унинг туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, машғулоти тури, яшаш жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар, унинг процессуал мақоми (шу жумладан, судланганлиги тўғрисида маълумот), юридик шахс учун эса, унинг номи, юридик манзили ва жойлашган жойи;
- 5) аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар баёни, шунингдек сўралаётган хужжатлар, ашёвий ва бошқа далиллар рўйхати;

6) содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг тавсифи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилмиш жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддаси матни;

7) агар жиноят натижасида зарар етказилган бўлса, унинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Халқаро шартномаларга мувофиқ, процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровда уни ижро этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг «Процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариши тўғрисидаги сўровнинг мазмуни ва шакли» деб номланган 593 моддасида шундай дейилган:

«Процессуал ҳаракатларни бажариши тўғрисидаги сўровда қўйидағилар бўлиши керак:

1) сўров юбораётган органнинг номи;

2) сўров юборилаётган органнинг номи ва жойлашган ери;

3) жиноят ишининг номланиши ва сўровнинг хусусияти;

4) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан унинг түгилган санаси ва жойи, фуқаролиги, машгулоти тури, яшаи жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар, унинг процессуал мақоми, юридик шахс учун эса унинг номи, юридик манзили ва жойлашган ери;

5) аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар баёни, шунингдек сўralаётган ҳужжатлар, ашёвий ва боиқа далиллар рўйхати;

6) содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг тавсифи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилмиш жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддаси матни;

7) агар жиноят натижасида зарар етказилган бўлса, унинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Процессуал ҳаракатларни бажариши тўғрисидаги сўровда уни ижро этиши учун зарур бўлган боиқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни бажариши тўғрисидаги сўров уни юбораётган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариши тўғрисидаги сўров ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар сўровни юбораётган органнинг гербли муҳри билан тасдиқланади ҳамда улар юборилаётган хорижий давлатнинг расмий тилига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутунгдан боиқа тилга таржима қилинади».

Cавол

Халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича сўровда нималар акс эттирилиши лозим?

9. Халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича сўровни расмийлаштириш тартиби

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар сўровни юбораётган органнинг гербли муҳри билан тасдиқланади ҳамда улар юборилаётган хорижий давлатнинг расмий тилига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бошқа тилга таржима қилинади.

Cавол

Халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича сўровни расмийлаштириш тартиби қандай?

10. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида ўзаролик принципи асосида сўров юборишнинг ўзига хос хусусияти

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида ўзаролик принципи асосида сўров юборишнинг ўзига хос хусусияти ЖПК 599-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган бўлиб. Бундай сўров фақат қўйидаги ҳолларда юборилиши мумкин, шахс:

жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб берилган тақдирда — агар сўров юборилишига сабаб бўлган қилмиш ҳар иккала давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш бўлса ва уни содир этганлик учун бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ёки ундан оғирроқ жазо назарда тутилган бўлса;

хукмни ижро этиш учун ушлаб берилган тақдирда — агар шахс олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ёки ундан оғирроқ жазога ҳукм қилинган бўлса.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг «Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида сўров юбориши» деб номланган 599 муддасида шундай дейилган:

«Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда тартибда ёки ўзаролик принципи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органига хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни

жинои жавобгарликка тортини ёки ҳукмни ижро этиши учун ушлаб бериш тўғрисида сўров юбориши мумкин.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида ўзаролик принципи асосида сўров юбориши, агар сўров юборилишига сабаб бўлган қилмиши ҳар иккала давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ жинои жазоланадиган қилмиши бўлса ва шахс жинои жавобгарликка тортини учун ушлаб берилган тақдирда — уни содир этганлик учун бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши тарзидаги жазо ёки оғирроқ жазо назарда туттилганда ёхуд шахс ҳукмни ижро этиши учун ушлаб берилган тақдирда — у олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши тарзидаги жазога ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинганида амалга оширилади.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни юбориши зарурияти юзага келганда ҳамда бунинг учун ушибу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган асослар ва шартлар мавжуд бўлганда, барча зарур материаллар мазкур сўровни юбориши ҳақидаги масалани ҳал этиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилади.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровда қуийдагилар бўлиши керак:

1) сўров юбораётган органнинг номи;

2) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг тугилган санаси ва жойи, фуқаролиги, яшаши жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар ва унинг шахси ҳақидаги бошқа маълумотлар, шунингдек имкони борича ташқи қиёфаси тавсифи, фотосурати ва шахсни идентификация қилиши имконини берадиган бошқа материаллар;

3) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари баёни ва тавсифи, шу жумладан у томонидан етказилган зарарнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят [кодексининг](#) қилмиши жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддаси матни;

4) шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилиши тўғрисидаги қарор ёхуд ҳукм чиқарилган жой ва сана тўғрисидаги, шунингдек ҳукм қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги маълумотлар.

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни жинои жавобгарликка тортини учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилиши тўғрисидаги қарорнинг ва қамоққа олиши тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши тўғрисидаги суд ажримининг тасдиқланган кўчирма нусхалари илова қилинши керак. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ҳукмни ижро этиши учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга қонуний кучга кирган ҳукмнинг тасдиқланган

кўчирма нусхаси ва жазонинг ўтамаган муддати тўғрисидаги маълумотнома илова қилиншии керак».

Cавол

Хорижий давлат худудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида ўзаролик принципи асосида сўров юборишнинг ўзига хос хусусияти нималарда намоён бўлади?

11. Қидиувда бўлган шахс хорижий давлат худудида аниқланганда тегишли процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш

Қидиувда бўлган шахс хорижий давлат худудида аниқланганда, уни ушлаб туриш, қамоққа олиш, ушлаб бериш ва кўчириб келиш зарурияти тўғрисидаги масала қидиув эълон қилган суд томонидан ажрим чиқариш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш йўли билан ҳал этилади.

Қидиувда бўлган шахсни ушлаб туриш, қамоққа олиш, ушлаб бериш ва кўчириб келиш зарурияти тўғрисидаги масалани ҳал этишда, суд мазкур шахсга нисбатан жиноят ишини ЖПК 84-моддасига мувофиқ, тугатиш учун асослар бор-йўқлигини текшириши лозим. Агар иш бўйича мазкур моддада назарда тутилган асослардан бирортаси мавжудлиги аниқланса, суд жиноят ишини тугатишга нисбатан шахснинг розилигини олиш тўғрисида хорижий давлатнинг ваколатли органига сўров юбориш билан чегараланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг «Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиши учун асослар» деб номланган 84-моддаси қуидагича баён қилинган:

«Қуидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:

- 1) шахсни жавобгарликка тортиши муддати ўтган бўлса;
- 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
- 3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;
- 4) шахсга нисбатан айнан шу айлов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;
- 5) шахсга нисбатан айнан шу айлов бўйича иши тугатиши ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзгатишни рад этиши ёхуд иши тугатиши ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;
- 6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзгатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг **325-моддасида** назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиши содир этган пайтда жинои жавобгарликка тортиши мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса;

8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишили моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиши учун асослар мавжуд бўлса, айлов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади.

Жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг моҳиятини идрок этиши ёки уларни идора қилиши имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолган шахс тўғрисидаги жиноят иши ушбу Кодекснинг 61-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жинояtlар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Жиноят иши қўйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин, башарти:

1) ишни тергов қилиши ёки судда кўриб чиқиши пайтига келиб, қилмиши ижтимоий хавфлилик хусусиятини ўйқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча огир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиши тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса;

3) содир этилган қилмишининг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиши учун берииш мақсадга мувофиқ бўлса».

Савол
Қидирудва бўлган шахс хорижий давлат худудида
аниқланганда қандай процессуал хужжатлар
расмийлаштирилади?

12. Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг ушлаб берган давлат розилиги олинган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши

Халқаро ҳуқуқ нормалари ва ЖПК 600-моддасига мувофиқ, хорижий давлат томонидан Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахс фақат ушлаб берилгунига қадар ўзи содир этган ва фақат бунга уни ушлаб берган давлат розилиги олинган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши мумкин.

Шу сабабли хорижий давлат ваколатли органининг розилиги бўлмаганда, агар иш бўйича айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиласидан айблов билан алмаштириш учун асослар аниқланса, суд ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтаради.

Агар ишни кўриш пайтида судланувчига нисбатан ЖК 59-моддасининг саккизинчи қисми ёки 60-моддаси қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаш учун асослар аниқланса ва бунга хорижий давлат ваколатли органининг розилиги олинмаган бўлса, суд ЖПК 418, 481-моддалари тартибида ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиради ва материалларни мазкур масалани ҳал этиш учун прокурорга юборади.

Айни пайтда шуни назарда тутиш лозимки, судланувчининг ҳаракатларини Жиноят кодексининг енгилроқ жазони назарда тутувчи моддасига (моддаси қисмига) қайта квалификация қилиш учун, агар халқаро шартномада бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, хорижий давлат ваколатли органининг розилиги талаб этилмайди.

Агар ҳукмни ижро этиш босқичида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан шахсни фақат у судланган айрим жиноят эпизодлари ёки Жиноят кодексининг айрим моддалари бўйича ушлаб беришга розилик берилган бўлса, суд қарорлари уларга тегишли суд инстанцияси томонидан ЖПК 600-моддаси талабларидан келиб чиқадиган ўзгаришлар киритилгандан сўнг ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг «Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлиги доираси» деб номланган 600-моддасида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун уни ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек учинчи бир давлатга топширилиши мумкин эмас. Қўйидаги ҳолларда хорижий давлатнинг розилиги талаб қилинмайди, агар:

у ушлаб берган шахс жиноят иши тугатилган кундан эътиборан, ҳукм қилинган тақдирда эса жазо ўталган ёки ҳар қандай қонуний асосга кўра жазодан озод қилинган кундан эътиборан бир ой ичидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этмаган бўлса. Ушлаб берилган шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этиши имкониятига эга бўлмаган вақт бу муддатга қўшиб ҳисобланмайди;

у ушлаб берган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этган, аммо кейин ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган бўлса.

Хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича узил-кесил қарор қабул қилган орган унинг кўчирма нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органини у томонидан ушлаб берилган шахсга нисбатан жиноят ишини юритиши натижалари ҳақида ёзма равишда хабардор қиласди. Мазкур органнинг илтимосига кўра жиноят иши бўйича узил-кесил қарорнинг кўчирма нусхаси ҳам юборилиши мумкин».

Савол
Ўзбекистон Республикаси ушлаб берилган шахс ушлаб берган давлат розилиги олинган жиноятлардан ташқари бошқа жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилиши мумкини?

13. Хорижий давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлик ҳолатини ҳисобга олиш тартиби

ЖК 34-моддасининг бешинчи қисмига кўра, хорижий давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлик ҳолати шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда ҳисобга олиниши мумкин. Бошқа барча ҳолларда хорижий давлат судининг ҳукми бўйича судланганлик ҳолатини суд фақат агар бу Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида назарда тутилган бўлсагина тан олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг «Рецидив жиноят» деб номланган 34-моддасида шундай дейилган:

«Шахснинг илгари қасдан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасдан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

*Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаши жиноят содир этган, ушибу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, *Махсус қисмининг* бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасдан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади.*

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасдан янги жиноят содир этиши, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олинши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Ушибу Кодекс Maxsus қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари шахс ушибу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади».

Cавол
Хорижий давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлик ҳолати Ўзбекистонда ҳам судланган деб эътироф этиладими?

14. Хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган сўровни бажариш шартлари ва тартиби

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган сўровни бажариш шартлари ва тартиби, бундай сўровни ижро этмасдан қайтариб юбориш асослари ва тартиби ЖПК 595-моддасида назарда тутилган.

Жумладан, хорижий давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида хорижий давлат ваколатли органининг сўрови, башарти Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят кодексида бундай қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи норма мавжуд бўлмаса, ижро этилиши мумкин эмас.

Судлар айни пайтда шуни инобатга олишлари лозимки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мажбурлов чоралари (масалан, олиб қўйиш, тинтув, мол-мулкни хатлаш, ушлаб туриш, қамоқда саклаш ва бошқалар) билан боғлиқ бўлмаган процессуал ҳаракатларни сўров киритилаётган қилмиш ҳар иккала давлат томонидан жиноят деб тан олинмаган тақдирда ҳам ижро этиш назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг «Процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиши» деб номланган 595-моддаси куйидагича баён этилган:

«Суд, прокурор, терговчи, суришитирув органи хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган, ўзларига белгиланган тартибда топширилган процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида ижро этади.

Агар процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўров келиб тушган орган уни ижро этишига ваколатли бўлмаса, у сўровни ваколатли органга юборади ва бу ҳақда сўров ташаббускорини ёзма равишда хабардор қиласди.

Бевосита судга, прокурорга, тергов органига, суришитирув органига процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисида келиб тушган сўров ушибу Кодекс 592-моддасининг **учинчи қисмида** кўрсатилган тегишли органлар билан келишилган ҳолдагина ижро этилиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўровни ижро этишида ушибу Кодекс нормалари қўлланилади. Хорижий давлат ваколатли органининг илтимоси бўйича, агар бу Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, хорижий давлат процессуал қонун ҳужжатларининг нормалари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда ёки ўзаролик принципи асосида, процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўровни ижро этишида хорижий давлат ваколатли органининг вакиллари ушибу Кодекс 592-моддасининг **учинчи қисмида** кўрсатилган тегишли органлар рухсати билан ҳозир бўлиши мумкин.

Агар процессуал ҳаракатларни бажарии тўғрисидаги сўровни ижро этиши мумкин бўлмаса, у ҳолда олинган ҳужжатлар сўровни ижро этишига тўскенилик қилган сабаблар кўрсатилиб, сўровни олган орган орқали, зарур бўлганда эса дипломатик йўллар орқали хорижий давлатнинг сўровни юборган ваколатли органига қайтариб юборилади.

Агар сўров ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки унинг ижроси ўзбекистон Республикаси суверенитетига ёхуд хавфсизлигига зарар етказилиши мумкин бўлса, у ижро этилмасдан қайтариб юборилади».

Cавол
Хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган сўровни бажариш шартлари ва тартиби ҳақида нималар биласиз?

15. Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш

Қонунда (ЖПК 602-моддаси) ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан шикоят бериш ва уни суд томонидан кўришнинг алоҳида тартиби белгиланган. Бунда, агар шикоятни беришдан келиб чиқадиган процессуал муносабатлар мазкур норма билан тартибга солинмаган бўлса, суд ЖПК 55-1-бобида назарда тутилган тегишли нормаларга амал қилиши лозим.

Бундай шикоятни кўриш натижалари бўйича чиқарилган суд ажрими устидан берилаги апелляция шикояти (протести) ЖПК 13-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг «Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиши» деб номланган 602-моддасида қайд этиладики, «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан сўralaётган шахс қамоқда сақланаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича Қорақалпогистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судларига мазкур шахс ёхуд унинг ҳимоячиси томонидан хабарнома олинган пайтдан эътиборан ўн сутка ичida шикоят қилиниши мумкин.

Сўralaётган шахс қамоқда сақланаётган жойнинг маъмурияти шикоятни олиши билан уни дарҳол судга юборади ва бу ҳақда ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хабарнома олинган кундан эътиборан уч суткадан кечиктирмай судга ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини тасдиқловчи материалларни юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииши тўғрисидаги қарори устидан берилган шикоятни кўриб чиқшии шикоят суд томонидан олинган кундан эътиборан ўн сутка ичida уч нафар судьядан иборат таркибда, очиқ суд мажслисида прокурор, ўзига нисбатан ушлаб берииши тўғрисидаги қарор қабул қилинган шахс ва, агар ишда иштирок эттаётган бўлса, унинг ҳимоячиси иштирокида амалга оширилади.

Суд мажслиси бошланишида раислик қилувчи қайси шикоят кўриб чиқилишини эълон қиласди, ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради. Аризачи ва (ёки) унинг ҳимоячиси шикоятни асослаб беради, шундан сўнг сўз прокурорга берилади.

Суд муҳокамаси давомида суд шикоят берган шахснинг айблилиги масаласини муҳокама қилмай, устидан шикоят берилган қарорнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқлигини текшириши билан чекланади.

Шикоятни кўриб чиқшии натижасида суд қуийдаги ажримлардан бирини чиқаради:

шикоятни қаноатлантиришиз қолдириши тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб берииши тўғрисидаги қарорни бекор қилиши ҳақида.

Суднинг ажрими апелляция шикояти берииши ёки протести билдириши муддати тугаши билан қонуний кучга киради.

Суднинг ажрими ўқиб эшииттирилганидан кейин дарҳол прокурорга, шунингдек ўзига нисбатан ушлаб берииши тўғрисида қарор қабул қилинган шахсга ва, агар ишда иштирок этган бўлса, унинг ҳимоячисига юборилади.

Суднинг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн сутка ичida апелляция тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Апелляция шикояти ёки протести ажримни чиқарган суд орқали берилиб, суд уни материаллар билан биргаликда уч сутка ичida Ўзбекистон Республикаси Олий судига юбориши ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратрасини ёзма равишида хабардор қилиши шарт.

Апелляция шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўриб чиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди апелляция шикоятини ёки протестини кўриб чиқиб, қуийдаги ажримлардан бирини чиқаради:

суд ажримини ўзгаришиз, апелляция шикоятини ёки протестини эса қаноатлантиришиз қолдириши тўғрисида;

суднинг ажримини бекор қилиши тўғрисида.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими у ўқиб эшииттирилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради ва дарҳол ижро этилиши керак. Апелляция инстанцияси судининг ажрими прокурорга ижрони ташкил этиши

учун, ўзига нисбатан ушлаб берииши тўғрисидаги қарор қабул қилинган шахсга ва, агар ишида иштирок этган бўлса, унинг ҳимоячисига маълумот учун юборилади».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг «Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд мухокамасида иштирок этишига жалб қилиши» деб номланган 551-моддасида, «Суд вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар кўриладиган вақт ва жой ҳақида уларнинг ота-онасини, ота-она ўрнини босувчи шахсларни, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхонани, муассасани, ташкилотни, вояга етмаганларнинг иши билан шугулланувчи комиссияни, зарур бўлса, бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қиласида. Суд бу ташкилотларнинг вакилларини, судланувчининг васий ёки ҳомийсини суд мажлисига чақиришига ҳақлидир» деб белгиланган бўлса, «Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқши» деб номланган 13-моддасида бундай дейилади: Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан якка тартибда кўрилади.

Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибида судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси киради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади.

Одил судловни амалга оширишида халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисига ишини кўриши жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қиласида ва ҳукм чиқаршида раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Тегишли суд ҳайъатларида апелляция, кассация ва назорат тартибидан ишларни кўриши уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмларига апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқлади.

Суд раёсами ишларни раёсам аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлгандагина кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми унинг таркибидагилардан камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина ишларни кўриб чиқади.

Савол
Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш тартибини биласизми?

16. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг хорижий давлат ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги борасида ҳуқуқни қўллаш масалалари

Фуқаролик процессуал кодексида судларнинг хорижий давлат ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигини батафсил тартибга солувчи нормалар мавжуд эмаслиги туфайли, судлар ҳуқуқ аналогиясига кўра, Жиноят-процессуал кодексининг 64-бобида белгиланган тартибга, агар бу фуқаролик процессуал қонунчилиги принципларига хилоф бўлмаса, амал қилишлари лозим.

Cавол

Фуқаролик ишлари бўйича судлар уларнинг хорижий давлат ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигини батафсил тартибга солувчи нормалар мавжуд эмаслиги туфайли қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаши мумкин?

17. Апостиль тушунчаси ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

Апостиль (фр. Apostille) – нотижорат хусусиятдаги расмий ҳужжатларга, Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) иштироқчилари бўлган давлатлар муассасалари ва ташкилотлари томонидан қўйиладиган маҳсус белги хисобланади.

«Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция» (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) иштирокчи давлатлари 135 тани ташкил қилади.

Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикаси учун 2012 йил 15 апрелдан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонуни (04.04.2011, №ЎРҚ-279);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2011 йил 5 июлдаги ПҚ-1566-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (17.11.2011, №307) бу соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимиз сирасига киради.

18. Қандай холларда апостиль қўйилади?

Апостиль хужжатни имзолаган тараф сифатида иш кўрган шахс имзосининг ҳақиқийлигини ва хужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун расмий хужжатларга қўйилади.

Апостилга қўйиладиган имзо, муҳр ёки штамп қўшимча равища тасдиқлашни талаб этмайди.

Апостиль шакли

APOSTILLE (Convention de la Haye du 5 octobre 1961)

1. Davlat/Country _____ O'zbekiston Respublikasi
Ushbu rasmiy hujjat/this public document

2. Tomonidan imzolandi/
has been signed by _____

3. Sifatida faoliyat yurituvchi/
Acting in the capacity of _____

4. Muhr/shtamp bilan tasdiqlangan/
bears the seal/stamp of _____

Tasdiqlandi/Certified

5. Shahar/at _____

6. Sana/the _____

7. Tomonidan/ by _____

8. № _____

9. Muhr/shtamp/ _____ 10. Imzo/

Seal/stamp _____

Signature _____

19. Ўзбекистон Республикасида апостиль қўювчи органлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги — судлар, адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий хужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси — прокуратура, тергов ва суриштирув органларидан чиқадиган расмий хужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази — фан ва тъзим соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий хужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги — бошқа барча расмий хужжатларга апостиль қўяди.

20. Қуидаги ҳужжатларга Апостиль қўйилмайди:

чет элда Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ёки консуллик муассасалари томонидан берилган ҳужжатларга;

тижорат ёки божхона операцияларига тўғридан-тўғри алоқадор бўлган ҳужжатларга;

паспортга, ҳарбий билетга.

21. Апостиль қўйиш учун тақдим этилади ҳужжатлар

расмий ҳужжатга апостиль қўйиш тўғрисида ариза (Низом 1-иловаси);

ариза берувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

хорижий давлат — Конвенция қатнашчиси худудида фойдаланиладиган расмий ҳужжат;

апостиль қўйилганлиги учун йифим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилади.

Расмий ҳужжатлар апостиль қўйиш учун асл нусхаларда ёки ариза берувчининг хоҳишига кўра нотариал тасдиқланган нусхаларда қабул қилинади.

Апостиль шакли ўзбек ёки инглиз тилида тўлдирилади.

Расмий ҳужжат икки нусхада тақдим этилади, улардан бири (нусхаси) ишга тикилади, бошқаси эса (асл нусха) ариза берувчига берилади.

- C**аволлар
1. Апостиль тушунчасини таърифлай оласизми?
 2. Ўзбекистон Республикасида қайси органларда апостиль қўйилади?
 3. Қандай ҳужжатларга апостиль қўйилмайди?
 4. Апостиль қўйиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?
 5. Апостиль шакли қайси тилда тўлдирилади?

22. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича халқаро-хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қайси турдаги ҳужжатларга апостиль қўйилмайди?

- А. Чет элда, Ўзбекистон Республикасининг элчиҳоналари ёки консуллик муассасалари томонидан берилган ҳужжатларга;
- Б. Тижорат ёки божхона операцияларига тўғридан-тўғри алоқадор бўлган ҳужжатларга;
- В. Паспортга, ҳарбий билетга;
- Г. Юқоридаги барча ҳужжатларга.

2. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида хуқуқий ёрдам қайси ҳолларда ўзаролик принципига асосан кўрсатилиши мумкин?

- А. Ўзбекистон Республикасининг бирор-бир хорижий давлат билан хуқуқий ёрдам тўғрисида халқаро шартномаси бўлмаган ҳолларда;
- Б. Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Гаага Конвенцияси иштирокчиларига;
- В. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича хуқуқий ёрдам ҳамда хуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Минск Конвенцияси иштирокчиларига;
- Г. барча жавоблар тўғри.

3. Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича хуқуқий ёрдам ва хуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Минск конвенциясига асосан фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича халқаро-хуқуқий ёрдам Ўзбекистонда қайси орган орқали амалга оширилади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- Б. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- В. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;
- Г. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

4. Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича хуқуқий ёрдам ва хуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Минск конвенциясига асосан жиноят ишлари бўйича халқаро-хуқуқий ёрдам Ўзбекистонда қайси орган орқали амалга оширилади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- Б. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- В. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;
- Г. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

5. Хорижий давлатларнинг суд қарорлари Ўзбекистонда қандай ижро этилади?

- А. Тегишли ижро органи томонидан Ўзбекистон қонунчилигига белгиланган тартибда ижро этилади;
- Б. Хорижий давлатларнинг суд қарорлари тегишли суд томонидан тан олинади ва ижро органи томонидан Ўзбекистон қонунчилигига белгиланган тартибда ижро этилади;
- В. Хорижий давлатлар суд қарорлари Ўзбекистонда ижро этилмайди;
- Г. Барча жавоблар тўғри.

6. Экстрадиция ким томонидан амалга оширилади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- Б. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- В. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;
- Г. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

7. Хорижий давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида хорижий давлат ваколатли органининг сўрови, башарти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида бундай қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи норма бўйласа қандай ижро этилади?

- А. Хорижий давлат қонунчилигига асосан жавобгарликка тортилади;
- Б. Бундай сўров Ўзбекистон Республикасида ижро этилиши мумкин эмас;
- В. Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;
- Г. Учинчи давлат қонунчилигига асосан жавобгарликка тортилади.

8. Умумий юрисдикция судлари томонидан кўрилаётган ишларни юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича, шу жумладан, суд томонидан ЖПК 399-моддаси тартибида эълон қилинган қидирув натижасида турган жойи аниқланган шахсни ушлаб туриш ва бериш масалалари бўйича хорижий давлатнинг ваколатли органига қайси орган орқали сўров киритилади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали;
- Б. Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;
- В. Ўзбекистон Республикаси Ишчи ишлар вазирлиги орқали;
- Г. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги орқали.

9. Суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича хорижий давлатнинг ваколатли органига қайси орган орқали сўров киритилади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали;
- Б. Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;
- В. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати орқали;
- Г. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги орқали.

10. Умумий юрисдикция судлари томонидан кўрилаётган ишларни юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича, шу жумладан, суд томонидан ЖПК 399-моддаси тартибида эълон қилинган қидирув натижасида турган жойи аниқланган шахсни ушлаб туриш ва бериш масалалари бўйича ҳамда суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлардан ташқари бошқа ҳолларда сўров хорижий давлатнинг ваколатли органига қайси орган орқали киритилади?

- А. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали;
- Б. Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;
- В. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати орқали;
- Г. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги орқали.

11. Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахс ушлаб берган давлат розилиги олинмаган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши мумкинми?

- А. Ўзбекистон Республикаси ЖК мувофиқ бундай қилмиш жиноят ҳисобланса, жавобгарликка тортиш мумкин;
- Б. Уни ушлаб берган давлат розилиги жавобгарликка тортиш ва жазолашда аҳамиятга эга эмас;
- В. Фақатгина уни ушлаб берган давлат розилиги олинган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши мумкин;
- Г. Ха. Агарда у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса.

12. Ўзбекистонда хорижий давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлик ҳолати ҳисобга олинадими?

- А. Ўзбекистон Республикаси ЖКга мувофиқ судланганлик ҳолати инобатга олинмайди;
- Б. Фақатгина Минк конвенциясига аъзо давлатларда судланганлик инобатга олинади;
- В. Албатта ҳисобга олинади;

Г. Судланганлик ҳолати шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда ҳисобга олиниши мумкин.

13. Хорижий давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасиға қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида хорижий давлат ваколатли органининг сўрови, башарти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида бундай қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи норма бўлмаса, ижро этилиши мумкинми?

А. Ўзбекистон Республикаси ЖК қоидалариға зид бўлмаса ижро этилади;

Б. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида бундай қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи норма бўлмаса, ижро этилиши мумкин эмас;

В. Хорижий давлат ЖК бўйича ижро этилади;

Г. Минк конвенциясиға аъзо давлатлар ваколатли органи сўрови бўйича эжро этиш мумкин.

14. Фуқаролик процессуал кодексида судларнинг хорижий давлат ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигини батафсил тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлмаганлиги боис қайси нормага асосан иш юритиш мумкин?

А. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалариға мувофиқ иш юритиш лозим;

Б. Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Фуқаролик процесси масалалариға доир Гаага конвенцияси қоидалари қўлланилади;

В. Судлар ҳуқуқ аналогиясиға кўра, Жиноят-процессуал кодексининг 64-бобида белгиланган тартибга, агар бу фуқаролик процессуал қонунчилиги принципларига хилоф бўлмаса, амал қилишлари лозим;

Г. ФК тегишли нормалариға мувофиқ рад этилади.

15. Ўзбекистон Республикасида қайси органларда апостиль қўйилади?

А. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги — судлар, адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Б. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси — прокуратура, тергов ва суриштирув органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

В. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази — фан ва таълим соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Г. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги — бошқа барча расмий ҳужжатларга;

Д. Барча жавоблар тўғри.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

Халқаро шартномалар тўпламлари, луғатлар, маълумотномалар

1. Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Ўзб. нашр. масъул муҳаррири А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. -240 б.
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар. Тўплам. – масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2004. – 212 б.
3. Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам Минск, 22 января 1993 г. Lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
4. Права человека: сборник международных документов. Варшава.: Хельсинский фонд по правам человека. 2002. 458 с.
5. “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1995. –12 сон. – 175-187.
6. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2011 йил 16 декабрь, ЎРҚ-309-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 511-модда.
7. Действующее международное право. Избранные документы, Мос.гос.ин-т меж.отношений (ун-т) МИД России, кафедра международного права, А.В.Кукушкина, А.С.Юхно. -М.: МГИМО Университет, 2014, -562.
8. Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро шартномалар тўплами. О.Сулайманов.- Т.: ЮМОМ. 2017. 524 б.
9. Халқаро ҳуқуққа оид атама ва тушунчаларнинг глоссарийси. Л.Сайдова, О.Сулайманов. -Т.:ЮМОМ. 2016. 262 б.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2015. -356 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2015. -272 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2015 й.- 424 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2015.- 736 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. 1-2-сон, 10-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, 169-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2006 й. 42-сон, 416-модда.
9. “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2012 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни //Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги 2010 йил 28 сентябрда қабул қилинган Қонуни. //Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қарорлари

1. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айrim масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. 2012 йил 25 май, 06-сон. //Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. Чет давлат суди ёки ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда чет давлат судининг топширигини ижро этиш тўғрисидаги ишларнинг хўжалик судлари томонидан кўрилишида қонун ҳужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг Қарори. 24.05.2013 й. 248 сон. //Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар

1. Faafurov A.B., Muminov A.R., Tillobaev M.A. Inson xukouqlari. Y'kuv k'ollanma. -T.: Baktria Press, 2012. -296 b.
2. Gaafurov A.B., Tillobaev M.A., Saidova L.A., Ismailov B.I. Prava cheloveka i spravedlivoe sudoproizvodstvo -T.: Baktria Press, 2014 g. 284 b.
3. Sudebnye organy zaryubежnykh stran. Posobie /Otv. red. A.B.Gaafurov. - T.: Baktria press. 2014. 240 c.
4. Muminov A., Tillobaev M. Inson xukouqlari. Darslick. /Masъul muхаррirk A.X.Saidov - T.: Adolat, 2013. 544 b.
5. Mezduнаrodnye standarty adвokatskoy deятельnosti. Posobie. /Otv. red. A.Gaafurov. - T.: Baktria press. 2014, 240 c.
6. Umarhanova D.Sh. Ekstradiция бўйича xalqaro – xukouqij ҳамкорлик: Monografiya. – Toшkent: TDЮI, 2010. – 142 B.

Электрон манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси давлат сайти: www.gov.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари: www.press-service.uz/rus/knigi/
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайти: www.parliament.gov.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати сайти: www.senate.gov.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази сайти: www.uzmarkaz.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти сайти: www.monitoring.uz
8. Инсон хуқуqlari бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: www.nhrc.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хуқуqlari бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.gov.uz
10. БМТ сайти: www.un.org
11. БМТнинг Инсон хуқуqlari бўйича Олий комиссари сайти: www.ohchr.org
12. ЮНЕСКО сайти: www.unesco.org
13. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти сайти: www.osce.org
14. Инсон хуқуqlari ва гуманitar ҳуқуқ бўйича Раул Валленберг институтининг веб сайти: www.rwi.lu.se
15. Инсон хуқуqlari бўйича Европа суди сайти: www.coe.int/T/R/Human_Rights_Court

16. Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссари сайти:
www.coe.int/T/R/CommissionerHR
17. Бола ҳуқуқлари бўйича ресурс сайти: www.childrenrights.net
18. Халқаро Қизил Хоч Кўмитаси сайти: www.icrc.org
19. Халқаро шартномалар сайти: www.untreaty.un.org.
20. Халқаро ҳукуқ комиссияси сайти: www.un.org/law/ilc
21. БМТнинг Халқаро суди сайти: www.icj-cij.org
22. Халқаро жиноят суди сайти: <http://www.icc.int>

Одилжон Раббимович Сулайманов

**ФУҚАРОЛИК ВА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ
ЁРДАМ КҮРСАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Ўқув-услубий кўлланма

Босишига рухсат этилди: **16.09.2017.**
Босма табоғи: **00**. Адади: **50** нусха. Буюртма: № **00**

Юристлар малакасини ошириш маркази нашриёти.
100029, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 15